



182

НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2010 yil "15" dekabr

Samarqand tumani

42- Q Sonli

«Кутфибобо» хусусий фирмасига «Азимов Амон» фермер хўжалиги ер майдони ҳисобидан motel ва автомобилларга ёқилги қўйиш шаҳобчаси қуриш учун 1,30 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссия йигилишининг 2010 йил 11 июндаги 70 рақамли баённомаси, Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 2 февралдаги 355/19/1-02 сонли хати, Йўл ёқасига объектларни жойлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2009 йил 21 январдаги 05/1-140 сонли баёни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2010 йил 20 майдаги 474-сонли хулосаси, «Азимов Амон» фермер хўжалигининг 2010 йил 7 июндаги 1 сонли розилик хати, «Ўзқишлоқлойиҳа» лойиҳа илмий тадқиқот институтининг 2008 йил 2 апрелдаги 73-176/01 сонли хати, «Кутфибобо» хусусий фирмасининг туман ҳокими номига ёзган аризаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

Қарор қиламан:

1. «Қўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини «Конигил» маҳалласи ҳудудидан «Кутфибобо» хусусий фирмасига motel ва автомобилларга ёқилги қўйиш шаҳобчаси қуриш учун «Азимов Амон» фермер хўжалигига тегишли ер майдони ер харитасининг 372 контуридан жами 1,30 га (шундан: 1,30 га сувли) ер майдони ажратиш ҳақидаги Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қуриб чиқувчи комиссия йигилишининг 2010 йил 11 июндаги 70 рақамли баённомаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 16 майдаги 223 сонли қарорининг 1 иловасига асосан ажратилаётган 67 балл бонитетли сувли ҳайдалма ер майдони учун 300300 сум пул микдори вилоят ер ресурслари бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига утказиш ҳамда motel ва автомобилларга ёқилги қўйиш шаҳобчаси қуришдан олдин «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан утказиш «Кутфибобо» хусусий фирмаси директори З. Алоҳиддинов зиммасига юклансин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан «Азимов Амон» фермер хўжалиги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш Бурхонов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Қодиров зиммасига юклансин.

5. Ушбу қарорни тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев